З.С. АБДУЛЛАЕВ . Г. ШОДМОНОВА, Ш. Х. ЖУСИПОВА

# ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



Тошкент 2007

Аннотация

Ушбу ўқув қўлланмада бухгалтерияда ишлатиладиган ахборот технологиялари ва тизимлари асослари мисоллар асосида кўрсатиб берилган бўлиб, ундан «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бакалавриат таълим йўналиши талабалари, магистратура мутахассисликлари ва аспирантура тингловчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар:** **О.Т.Кенжабоев**, иқтисод фанлари доктори, профессор

**А.П. Пўлатов,** иқтисод фанлари номзоди, доцент

© Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2007 йил

# КИРИШ

Замонавий компьютер технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг жорий учун давлат муассасалари ва хўжалик субъектлари, ташкилотлар, олий таълим муассасалари ва хусусий шахслар учун ахборот тизимларини шакллантиришга кўмаклашиш, республиканинг жаҳон ахборот тизимлари ва халқаро тармоқларга чиқишини таъминлаш учун билимли мутахассисларни етиштириб чиқиш зарурдир.

Таълим тизимини ислоҳ қилишда, тайёрланадиган олий маълумотли мутахассислар олдига қўйилган талабларда улар эгаллаётган касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тўлиқ тушуниши, соҳа фаолиятини аниқлайдиган фанлар муаммоларини билиши, улар боғлиқлигини кўра олиши кераклиги талаб қилинади.

Янги усулларни эгаллашни ахборот технологияларини такомиллаштирмай ва замонавий шахсий компьютер (ШК) ларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳар қандай иқтисодий объектни бошқариш фаолиятининг асосини мураккаб қурилишга эга бўлган ахборот тизимлари ташкил қилади, уларнинг таркиби, фаолият тури корхона ташкилот ва фирманинг кўламига боғлиқ. Замонавий ахборот тизимлари мақсади ахборот технологиялари орқали бошқарув тизимлари самарадорлигини оширишдан иборат.

Бухгалтернинг иш фаолиятида ахборотнинг роли каттадир, чунки бу ерда ахборотларнинг 60% га яқини жойлашган. Шунинг учун иқтисодий информатика ва компьютер тизимлари, компьютер муҳитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш билимлари зарурий билимлардир.

«Иқтисодиётда ахборот тенологиялари» номли ўқув қўлланмага қуйидаги масалалар киритилган:

-MS Office асосий ва махсус ахборот технологияларининг бухгалтерия ҳисоби компьютер тизимларида қўлланилиши, шу жумладан Microsoft Wordда бухгалтерия ҳужжатларини ҳосил қилиш, уларнинг электрон шаклларини яратиш мисоллар ёрдамида кўрсатилган;

- Microsoft Excel электрон жадвалида бухгалтерия ҳисобини юритиш, кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг компьютер тизими (БҲКТ)ни ишлаб чиқиш босқичлари (справочниклар, счётлар режаси, намунавий амаллар) мисоллар тариқасида келтирилган;

- бухгалтерия ҳисобини компьютерлаштириш асосий йўналишлари кўрсатиб берилган. «1С:Предприятие» дастурида бухгалтерия ҳисобини юритиш асослари келтирилган;

-Microsoft ACCESS маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ)да маълумотлар базасини (МБ) лойиҳалаш, МБ нинг ахборот технологиялари билан танишиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби масалалари асосида Microsoft ACCESS нинг объектларида ишлаш қоидалари мисоллар асосида берилган.

Адабиётлар рўйхатида бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари бўйича қаралган масалаларга қўшимча ҳисобланувчи манбалар келтирилган.